

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У Қ М

2024 йил сентябрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди Хоразм вилоят Юридик техникуми биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси Б.А.Якубовнинг раислигида, Н.Рахимованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Урганч тумани прокурорининг катта ёрдамчиси К.Қаландаров, фуқаровий даъвогар вакили З.Ражабов, судланувчи К.Бекметов ва унинг ҳимоячиси “НУҚУҚ-УРҒАНЧ” адвокатлик бюроси адвокати Д.Машариповларнинг иштирокида, Бекметов Кувандик Абдиримовичга нисбатан бўлган №1-2202-2401/179-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Бекметов Кувандик Абдиримович (Bekmetov Kuvandik Abdirimovich), 1974 йил 25 март куни Урганч туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, “Бекмат ота” фермер хўжалиги раҳбари, муқаддам судланмаган, Урганч тумани, Араблар маҳалласи, Ўзбекистон шох кўчаси, 188-уйда яшаб келган, 2024 йил 31 август кунидан “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 16 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва фуқаровий даъвогар вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

К.Бекметов, Урганч тумани, Дўрмон қишлоғида жойлашган “Бекмат ота” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келиб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 16 апрель куни ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Бекмат ота” фермер хўжалиги электр тармоғидан ажратилган бўлса-да, электр тармоғига ўзбошимчалик билан улашиб, 1 та 37 кВт. лик сув насоси ускунасинидан тижорат мақсадида 2024 йил 16 апрель кунидан 25 май кунигача, яъни 39 кун давомида ноқонуний фойдаланиб келиши оқибатида 31.168.800 сўмлик жами 34.632 кВт. соат электр энергиясидан тижорат мақсадида ноқонуний равишда фойдаланиб келганлиги 2024 йил 25 май куни “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Хоразм вилояти ҳудудий филиали ходимлари томонидан ўтказилган



ўрганишда аниқланган.

Шунга кўра, истеъмолчи томонидан содир этилган қоидабузарлик учун “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм ҳудудий филиали ходимлари томонидан 2024 йил 30 августда №0022-000142-сонли далолатнома тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 22-сонли Қарорига асосан жами 31.168.800 сўмлик электр энергияси қайта ҳисоб-китоб қилинган.

Судланувчи К.Бекметов суд мажлисида, дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам Урганч тумани, Дўрмон қишлоғида жойлашган “Бекмат ота” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келаётганини, 2024 йил 16 апрель куни ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Бекмат ота” фермер хўжалиги электр тармоғидан ажратилганини, шундан кейин 2024 йил 25 май Хоразм вилояти ҳудудий филиали ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишда тармоқдан ажратилган электр линияси уланган ҳолатда бўлгани аниқланганини, ушбу электр тармоғига ким улаганини билмаслигини, лекин фермер хўжалигига ўзи раҳбарлик қилиб келганлиги сабабли бунинг учун жавобгарликни ўз зиммасига олишини ва текширишда аниқланган 31.168.800 сўмлик моддий зарарни тўлиқ қоплаб бартараф қилганини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланганини, фуқаровий даъвогар тарафдан кечирим сўраганини, содир қилган жинояти унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, ушбу турдаги жиноятни биринчи маротаба содир қилганини инобатга олган ҳолда прокурор билан тузилган айбга иқрорлик тўғрисида келишувни тасдиқлаб, ўзига нисбатан жазо тайинлашда қонун доирасида енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар З.Ражабов суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 25 май куни “Худудий электр тармоқлари” АЖ Хоразм вилояти ҳудудий филиали ходимлари томонидан Урганч тумани, Дўрмон қишлоғида жойлашган “Бекмат ота” фермер хўжалиги ўтказилган ўрганишда фермер хўжалиги 2024 йил 16 апрель куни электр тармоғидан ажратилган бўлса-да тегишли рухсатнома олинмасдан туриб электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, 1 та 37 кВт. лик сув насоси ускунасинидан тижорат мақсадида фойдаланиб келингани аниқланиб, ўтказилган ўрганишлар натижасида, истеъмолчи томонидан содир этилган қоидабузарлик учун “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм ҳудудий филиали ходимлари томонидан 2024 йил 30 августда №0022-000142-сонли далолатнома тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 22-сонли Қарорига асосан жами 31.168.800 сўмлик электр энергияси қайта ҳисоб-китоб қилинганини, ҳозирда фермер хўжалиги раҳбари томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб



рақамига 31.168.800 сўм тўланганини, ушбу тўланган пул маблағларини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм ҳудудий филиалига ўтказиб беришни ва К.Бекметовга нисбатан жазо тайинлашда енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди.

Дастлабки тергов жараёнида, яъни 2024 йил 31 август куни К.Бекметов ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан айблов эълон қилинган ҳамда унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, шу куни судланувчи К.Бекметов ва унинг ҳимоячиси Д.Машариповлар Урганч тумани прокурорига айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилишган.

Илтимоснома 2024 йил 31 август куни Урганч тумани прокурори томонидан кўриб чиқилиб, айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилинган ва айбга иқrorлик тўғрисида келишув тузилган.

Суд давлат айбловчиси хулосасини, фуқаровий даъвогар вакили З.Ражабов, судланувчи К.Бекметов ва унинг ҳимоячиси Д.Машариповларнинг фикрини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи К.Бекметовнинг жиноят содир этганликдаги айби, у ўз айбига тўлиқ иқror бўлганлигидан ташқари, фуқаровий даъвогар вакилининг дастлабки ҳамда суд тергови даврида берган кўрсатувлари, аниқланган қонунбузилишини расмийлаштириш далолатномаси, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм ҳудудий филиали томонидан расмийлаштирилган 2024 йил 30 августдаги №0022-000142-сонли далолатнома, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан К.Бекметовнинг умумий фойдаланишдаги электр тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан уланиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм ҳудудий филиалининг 31.168.800 сўмлик жами 34.632 кВт. соат электр энергиясини ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд жиноят ишининг айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувга оид қисмини муҳокама қилиб, келишувни тузишда айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари таъминланганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганлигини; келишувнинг айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилганлигини; айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, судланувчи келишувни қўллаб-қувватлаётганлигини инобатга олиб, судланувчи К.Бекметов билан тузилган айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни;

судланувчи К.Бекметовга нисбатан жазо тури ва миқдорини



белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисидаги” 07-сонли Қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак. Булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиш лозим”,- деб кўрсатилганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак”-деб, 57²-моддасида “Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида(қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак”-деб қайд қилинганини инobatга олиб, унинг айбига тўла иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганини, унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи маротаба содир қилганликда айбланаётганини, етказилган моддий зарарнинг миқдори ва тўлиқ қопланганини инobatга олиб айбли деб топилаётган ЖК моддаси санкцияси доирасида жазо тайинлашни;

жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига 2024 йил 16 ва 28 август кунги қвитанцияларга асосан топширилган жами 31.170.272 (ўттиз бир миллион бир юз етмиш минг икки юз етмиш икки) сўм пул маблағларини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм ҳудудий филиалининг ҳисобига ўтказишни белгилашни;

жиноят натижасида етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни;

манфаатдор тарафга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишлари



бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Х У К М Қ И Л Д И :

Бекметов Кувандик Абдиримович (Bekmetov Kuvandik Abdirimovich) билан тузилган айбга иқроорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

Бекметов Кувандик Абдиримович (Bekmetov Kuvandik Abdirimovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Бекметов Кувандик Абдиримовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “д” банди билан базавий ҳисоблаш миқдори/340.000 сўм/нинг 5 (беш) баравари миқдорида, яъни 1.700.000 (бир миллион етти юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Тайинланган жарима давлат ҳисобига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи К.Бекметовга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига 2024 йил 16 ва 28 август кунги қвитанцияларга асосан топширилган жами 31.170.272 (ўттиз бир миллион бир юз етмиш минг икки юз етмиш икки) сўм пул маблағлари “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Хоразм худудий филиалининг ҳисобига ўтказилсин.

Жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Манфаатдор тарафга жиноят натижасида бошқа моддий ва маънавий зарар етказилган бўлса ундириш мақсадида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишини юритиш тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва фуқаровий даъвогар(вакили) ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди орқали Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Хоразм вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

ИМЗО

Б.А.Якубов

Аслига тўғри:

